

ШАРҚ ЖИЙДАСИ (*ELAEAGNUS ORIENTALIS*. L) НИНГ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЧЎЛ ВА ШЎРҲОҚ ТУПРОҚЛАРДАГИ АҲАМИЯТИ

Каримов Хусниддин Нагимович,

Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институти

“Ўсимликлар физиологияси ва агрокимё лабораторияси” мудир,

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим,

ORCID: 0000-0003-1060-808X

Парпиев Гофуржон Тохирович,

Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази бўлим бошлиғи,

биология фанлари доктори, катта илмий ходим,

ORCID: 0000-0001-9876-5535

Узақбергенов Улуғбек Таңатар уғли

Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институти

Қорақалпоғистон илмий тажриба станцияси Илимий ишлар ва инновациялар бўйича директор ўринбосари

ORCID: 0009-0001-6951-665X

Аннотация. Қорақалпоғистон Республикасининг чўл ва шўрҳоқ тупроқлари, ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш, Шарқ жийдаси (*Elaeagnus orientalis*. L) нинг галофит ўсимлик сифатида аҳамияти, гигрофит, мезофит ва ксерофит ўсимлик сифатида, томир системасида мирориза азот тўплайдиган бактериялар тупроқ унимдорлигини оширади.

Калит сўзлар: чўл ва шўрҳоқ тупроқлар, гигрофит, мезофит ва ксерофит-галофит ўсимлик, микориза, озиқ-овқат хавфсизлиги, яшил қопламалар.

Аннотация. Пустынные и солончаковые почвы Республики Каракалпакстан, улучшение мелиоративного состояния земель, восточный лох (*Elaeagnus orientalis*. L) как галофитное растение, как гигрофитное, мезофитное и ксерофитное растение, в корневой системе микоризы азотфиксирующие бактерии повышают плодородие почвы.

Ключевые слова: пустынные и солончаковые почвы, гигрофитная, мезофитная и ксерофитно-галофитная растительность, микориза, продовольственная безопасность, зеленый покров.

Abstract. Desert and saline soils of the Republic of Karakalpakstan, improvement of the melioration state of lands, *Elaeagnus orientalis*. L as a halophytic plant, as a hygrophytic, mesophytic, and xerophytic plant, nitrogen-fixing bacteria in the root system of mycorrhiza increase soil fertility.

Keywords: desert and saline soils, hygrophytic, mesophytic, and xerophytic-halophytic vegetation, mycorrhiza, food security, and green cover.

Кириш. Қорақалпоғистон Республикасининг 80% қисмини чўл ва шўрҳоқ тупроқлардан ташкил топган бўлиб, унинг дендрафлорасини бойитиш чўл ва шўрҳоқ тупроқларга шидамли дарахт ҳамда бута ўсимликларини кўпайтириш ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Чўл ва шўрҳоқ тупроқларга шидамлиги жиҳатидан Шарқ жийдаси (*Elaeagnus orientalis*. L) ўсимлиги бизга ешим бўла олади.

Ўзбекистон Республикаси шароитида шарқ жийдасининг янги навларини яратиш ва йрик мевали шакиллари танлашда бир мунша олимларимиз илимий изланишлар олиб борди. Бунда Республикаимиздаги табиий ва маданий жийдазорлардан энг яхши йрик мевали ва серҳосил шакиллари танлаш ишлари И.Азимов томонидан собиқ Ўрта Осиё Ўрмон хўжалиги илимий-тадқиқот институти қошида 1954-1956 йилларда ўтказилган. Ушбу тадқиқотлар натижасида Хоразм, Тошкент ва Фарғона вилоятларидан энг яхши 32 та жийда шакллари танлаб олинган. Ушбу танланган жийда мевалари биокимёвий ўрганилган. Уларнинг истемолга яроқлилик хусусиятларини баҳолаш учун дегустация комиссияси хулосалари асосида энг сара 18 та шакл ажратилган [1].

Ҳ.Ҳайдаров (2009) томонидан эса жийданинг Ўзбекистонда тарқалиш ареаллари, уларнинг биологияси, экологияси ва қисман кўпайтириш устида илимий ишлар олиб борилган [3].

С.А.Турдийев томонидан юртимизда жийданинг энг кўп тарқалиш ареаллари ўрганилиб ушбу ҳудудлардан 87 та истиқболли шакллар ажратилган. Дарахтнинг ҳосилдорлиги меваларининг биоморфологик ва биокимёвий ўрганиш, селекция баҳолаш натижаларига кўра 23 та плюсли шакллари асосида, Тошкент давлат аграр университети қошидаги тажриба хўжалигида коллекцион боғи барпо этилган (2010й.). 9 йиллик кузатувлар селекция баҳолаш натижаларига кўра Тошкент-16, Тошкент-22 ва Самарқанд-7 навлари яратган. Шулар орасида Тошкент-16 ва Самарқанд-7 навлари Қорақалпоғистон шароитида иқлимлаштирилди, ҳозирги кунда яна бошқа навларини яратиш устида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Шарқ жийдаси (*Elaeagnus orientalis*. L) уруғидан ва қаламчаларидан яхши кўкарадиган халқ тилида нон жийда деб аталадиган бу ўсимлик ўтмишда нон ўрнида истемол қилган мевали дарахт тури ҳисобланади. Бу дарахтдан ҳимоя дарахтзорлари барпо этишда асосан ёрдамчи дарахт тури сифатида, кўкаламзорлаштиришда, жарликлар ёқаларида,



1-расм. Шарқ жийдаси (*Elaeagnus orientalis*. L) нинг азот ҳосил қиладиган туганак бактериялари (микориза).

лалмикор, тошлоқ ерларда сув ҳавзалари ёқаларини мустаҳкамлашда ҳам қўлланилади. Мебель саноатида текистурални ёғоч сифатида ҳам ишлатилинади, мевалари эса халқ – ҳўжалиги учун озиқ-овқат, табоботда доривор ресурс сифатида фойдаланилади.

Жийда дарахти жуда пластик ўсимлик сифатида турлитуман тупроқ иқлим шароитларида ўсишга мослашган. Шу сабабли ҳам жийданинг экологик табиатини англаш бир мунча мураккаб.

Жийда дуккакли ўсимликлар сингари тупроқни азотга бойитади, тупроқ унумдорлигини оширади, 1 гектарда 60-70 кг азот топланишини таъминлайди. Азотни ўзлаштирувчи жийда илдизларида туганакли бактериялар тупроқдаги бошқа бактериялар ва жийда дарахти билан симбиоз ҳолатда яшайди ва дарахтни ўсишига ёрдам беради.

Илдиз тизимида азотни ўзлаштирувчи бактериялар мавжудлигидан жийда дарахти тошлоқ ва турли даражада шўрланган тупроқларда ҳам бемалол ўсиб ҳосил беради. Жийда лойли, қумлоқ, ботқоқ, шўрҳок ва қумли ерларда бемалол ўса олади[4].

В.А. Новиковнинг маълумотларида жийда биологик хусусиятларига кўра бошқа галофит ўсимликларидан фарқ

қилади, чунки шўрҳок ерларда ўсиб турган жийда меваси таъми чўчуқ бўлиши яъни уларда туз тўпланиши содир бўлмайди. Жийда тўқималарининг таҳлили, уларда оз миқдорда туз (CL) ионлари борлигини кўрсатди. Демак жийданинг шўрга чидамлигини ўрганган тадқиқотчилар жийда шўр ерда ўсиб туриб, ўз тўқималарида туз тўпламайдиган галофитлар груҳига киришини такидлайдилар [2].

Қорақалпоғистон Республикасида шарқ жийдасининг оналик плантацияларини яратиш, ўрмон кам бўлган ерларда маданий жийдазорларини барпо этиш, санитар-гигиеник соғломлаштириш ва экологик муҳит яратувчанлик функцияларини самарадорлиги бебаҳо ҳисобланади.

Маданий ўсимликлар ва ўрмон дарахтлари каби жийдазорлар ҳам карбонат ангидрид газини утилизаторлари ва кислород, фитонцид ишлаб чиқарувчилари ҳисобланади. Бундан ташқари шўрҳок ерларининг мелиоратив ҳолати яхшилайти, рекреацион ва фитоценозининг ортишига флора ва фаунанинг кўпайишига самарали хизмат қилади. Жийда меваларидан доривор препаратлар олиш, саноат плантациясини илмий ўрганиш, озиқ-овқат, фармасевтика саноати учун хомашё баъзасини шакллантириш ва турли мақсадларда фойдаланиш имконияти ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Азимов И. Нон жийда Тошкент, ФАН, 1967. - 276.
2. Турдиев С.А., Бердиев Э.Т., Темиров Э. Нон жийда селекцияси истиқболлари // Республиканская научно-практическая конференция молодых ученых «Сохранение и устойчивое использование биоразнообразия лесных и плодовых пород» 21 мая 2010 г. Ташкент, Узбекистан Ташкент, 2010. С. 45-48.
3. Хайдаров Х.К., Вохидова Н. Ареал и распространение лоха восточного (*Elaeagnus orientalis* L.) в Центральной Азии // Республиканская научнопрактическая конференция "Сохранение и устойчивое использование биоразнообразия сельскохозяйственных культур и их диких сородичей" 10 декабр 2009 Г., Т., Узбекистан. Ташкент, 2009. С. 70-73.
4. Kunazarov A., Turdiev S. Study of mycorrhize-producing mushrooms of the *Elaeagnus orientalis*. L under the conditions of the Aral sea region //Science and innovation. – 2023. – Т. 2. – №. D1. – С. 26-30.<https://doi.org/10.5281/zenodo.7525843>